



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2024 йил – ЁШЛАР ВА БИЗНЕСНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2024 йил 9 март, № 51 (8674)

Шанба Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ МУБОРАК РАМАЗОН ОЙИНИ МУНОСИБ ТАРЗДА ЎТКАЗИШ Тўғрисида

Сўнгги йилларда мамлакатимизда миллий ўзлгимизни тиклаш, инсон қадрини улуғлаш, фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш борасида ғоят муҳим ислохотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, муқаддас динимизнинг инсонпарварлик руҳи билан йўғрилган эзгу аънаналарини муносиб давом эттиришга улкан эътибор қаратилмоқда. Ватанимизнинг қадимий тарихини чуқур ўрганиш, буюк аллома ва азиз авлиёларимизнинг ибратли ҳаёт йўли, ноёб илмий меросини тадқиқ этиш ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишлари билан уйғун ҳолда олиб борилмоқда.

Бу жараёнда, айниқса, билим ва маърифат, маънавий поклик, меҳр-оқибат, хайру саховат фазилатлари улуғланадиган муборак Рамазон ойининг аҳамияти катта бўлаётганини таъкидлаш лозим. Мамлакатимиз мўмин-мусулмонлари ушбу муқаддас ойни доимо ориқиб, катта хурсандчилик билан кўтиб олади. Оила ва маҳаллаларда ўзаро меҳр-оқибатни мустаҳкамлаш, ёш авлодимизни билим-маърифат ва гўзал ҳулқ соҳиблари этиб камол топтириш, эҳтиёжманд инсонларга кўмак ва ёрдам кўрсатиш каби эзгу амалларни сидқидилдан, ихлос билан адо этишга интилади.

Халқимиз учун эзгулик, бирдамлик, олижаноблик ва шукроналик тисмоли бўлган кутлуғ Рамазон ойини муносиб кўтиб олиш ва юқори савияда ўтказиш, диний-маърифий, маданий қадриятларимизни асраб-авайлаш ва улуғлаш мақсадида:

1. 2024 йилда муборак Рамазон ойининг бошланиши **11 март** кунига тўғри келиши ҳақидаги Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Дин ишлари бўйича қўмита, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ва бошқа ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда худудларда Рамазон ойини **миллий аънана ва қадриятларга мос тарзда** ўтказишга доир чора-тадбирларни амалга оширсин.

Мурувват, аҳиллик ва ҳамжихатликни улуғловчи ушбу фазилатли ойда **кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, оила ва маҳаллаларда меҳр-оқибат ва ўзаро ҳурмат муҳитини мустаҳкамлаш, муқаддас қадимчи ва зиёратгоҳлар, қабристонларни ободонлаштиришга** қаратилган тадбирларни янада кучайтиришга алоҳида эътибор берилсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Рамазон ойини ўтказиш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси М.М.Камилов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2024 йил 7 март

Ушбу шуқуҳли айёмда ҳаммамиз бизни дунёга келтирган, оқ сут бериб, меҳр ва тарбия бериб вояга етказган буюк она сиймосига, мўтабар аёл зотига таъзим қиламиз. Зеро, инсон қадрини улуғлаш аввало азизу муқаррама аёлларимизни улуғлашдан бошланади.

Шу маънода, Мир Алишер Навоий бобомизнинг, жаннат боғидан баҳрамандлик олаб-аввало, мунис онани рози айлагин, деган сўзларини биз энг эзгу даъват сифатида қабул қиламиз.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ВАТАНГА МУҲАББАТ, КЕЛАЖАККА ИШОНЧ БИЛАН ЯШАШ САОДАТИ

Мамлакатимизда 8 март — Халқаро хотин-қизлар кунини кенг нишонланди. Ҳаётимиз қувончи, файзу фариштаси бўлган онахонлар, опа-сингиллар, дилбар қизларга чексиз ҳурмат, эҳтиром кўрсатилди. Айём муносибати билан ташкил этилган тантанали маросимда Президентимиз Шавкат Мирзиёев қатнашиб, юртимиз аёлларига табрик йўллади. “Ўзбекистон — 2030” стратегияси доирасида хотин-қизларнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий фаоллигини ошириш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, гендер тенгликни қарор топтириш, аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш бўйича кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилаётгани алоҳида таъкидланди.



Сирожиддин ВОҲИДОВ олган суратлар.



Дарҳақиқат, бугун аёл нафақат она, балки жамиятнинг фаол ва ташаббускори ҳамдир. Бу борада ҳаётга татбиқ этилаётган кенг қўламли ислохотлар опа-сингилларимизнинг ижтимоий ҳаётда, сиёсат майдонидан, қолаверса, оиладаги мавқеини тобора мустаҳкамламоқда. Айниқса, келажак тарбиячилари бўлиш қизларимизнинг олий таълим олиши, замонавий касб-ҳунар ва хорижий тилларни эгаллашига зарур шарт-шароит яратилаётган. Ҳар йили бир гуруҳ энг фаол қизларнинг Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланаётгани

эса нозик хилқат вакилларини қўллаб-қувватлаш баробарида, уларнинг ўз иқтидори, салоҳиятини тўла-тўқис рўйбга чиқаришларига имкон берапти.

Парламентда, меҳнат ва жамоатчилик фаолиятида муҳим натижаларга эришган, ҳар жиҳатдан барчага ўрнак бўлаётган фаол опа-сингилларимиз мамлакатимизда хотин-қизларга кўрсатилаётган эътибор ҳақидаги фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашди.

[2-саҳифага қаранг.](#)

Сенат қўмитасида

Ўтуқлар эътироф этилди, камчиликлар танқид қилинди

Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитасида Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасининг 2023 йил якуни бўйича амалга оширилган ишлари тўғрисидаги ахбороти эшитилди.

Қайд этилганидек, ҳисобот даврида қўмита томонидан рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида қатор ишлар рўйбга чиқарилган.

Хусусан, “Рақобат тўғрисида”ги Қонун талашлари риюя этилиши юзасидан ўтказилган ўрганишларда 14 482 истеъмолчининг 23,3 млрд. сўмлик манфаатлари ҳимоя этилиб, маблағлар қайта ҳисоб-китоб қилиниши таъминланган.

Табиий монополия субъектлари сифатида давлат реестрига киритилган 135 та хўжалик юритувчи субъект қайта хатловдан ўтказилиб, рақобат муҳитини бўзганлиги аниқланган 46 таси давлат реестридан чиқарилган.

Шунингдек, давлат буюртмачилари томонидан ўтказилган 62 465 та танлов (тендер) савдосини таҳлил қилиш натижасида 27 730 та рақобатга зид ҳаракат аниқланган ва 24 018 таси ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига чора кўриш учун юборилган, 2 688 та ҳаракат бўйича иш кўзатилиб, 485 нафар мансабдор шахс маъмурий жавобгарликка тортилган.

Ўз навбатида, муҳокама давомида шу каби ютуқлар баробарида, мавжуд муаммоларни ҳал этишга ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Сенаторлар сўзларига қўра, қўмита томонидан ижтимоий аҳамиятга эга маҳсулотларнинг истеъмол бозорларидаги

нархларини барқарорлаштириш чоралари тўлиқ кўрилмаган. Қолаверса, давлат харидларини амалга оширишда самарали рақобат шароитини яратишга, давлат ва корпоратив буюртмачилар томонидан тендер (танлов) савдоларини ўтказишда рақобатга зид бўлган ҳаракатларнинг олдини олишга эришилмаган.

Шунингдек, сенаторлар иқтисодиётда рақобат ҳолатини чуқур таҳлил этиш, корхоналар фаолиятида рақобат қончилигига амал қилинишини ўрганиш борасида қўмита ва вазирликлар ўртасида маълумот алмашинуви тўлиқ йўлга қўйилмаганини алоҳида таъкидлаб ўтишди.

Бундан ташқари, ханузгача 10 та вазирлик, 7 та қўмита ҳамда 16 та агентликда монополияга қарши комплекенс тизими жорий этилмагани танқид қилинди.

Мажлисида сенаторлар соҳадаги мавжуд камчиликларни кўрсатиб ўтар экан, уларни бартараф этиш юзасидан бир қатор тақлиф ва тавсияларни ҳам билдирди.

Жумладан, ижтимоий аҳамиятга эга товарларнинг нархларини назорат қилиш ва барқарорлигини таъминлаш чораларини кўриш, юқорилик-видини таъминлаш зарурлиги таъкидланди.

Муҳокама якунида Сенат қўмитасининг тегишли қарори қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

Оиламиз қувончи ва файзу фариштаси

«Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили» Давлат дастури доирасида хотин-қизларнинг соғлигини мустаҳкамлаш, уларнинг бандлигини таъминлаш, аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш, ижтимоий ҳимоясини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жумладан: мамлакатимизда аёллар тадбиркорлигини янги босқичга кўтариш, уларнинг бандлигига кўмаклашиш мақсадида Сенат Раиси бошчилигида махсус комиссия ташкил этилади;

ушбу комиссия келгуси йил 8 мартга қадар ҳар бир ҳудудда “**фавқуллода ҳолат**” режимида иш юритади;

маҳаллаларда оилавий тадбиркорлик учун кредитларнинг камида **40 фоизи** аёллар тақлиф этган лойиҳаларга йўналтирилади;

“ёшлар дафтари”га киритилган **8000 нафар** хотин-қизга ўз бизнесини бошлаши ва меҳнат қуролларини харид қилиши учун субсидия, **10 000 нафари**га эса имтиёзли кредитлар ажратилади;

хотин-қизларни тадбиркорликка кенг жалб этиш бўйича алоҳида дастур қабул қилиниб, лойиҳаларни амалга ошириш учун **15 триллион сўм**, жумладан, оилавий тадбиркорлик лойиҳаларига **6 триллион сўм** ажратилади.

Шунингдек, мураккаб жарроҳлик операцияси ўтказишга муҳтож **2 минг нафар** хотин-қиз Давлат бюджети ва халқаро молия институтлари маблағлари ҳисобидан даволанади;

“Қизлар академияси” платформаси яратилиб, **100 минг нафар** опа-синглимизга молиявий, ҳуқуқий, психологик, репродуктив билим бериш йўлга қўйилади.

АНИҚ МАҚСАД, ПУХТА РЕЖАЛАР ВА ФАОЛ ИНВЕСТИЦИЯ СИЁСАТИ

ТОҒ-КОН САНОАТИ ВА ГЕОЛОГИЯ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, НАТИЖАДОРЛИККА ЭРИШИШ, САЛОҲИАТЛИ КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ВА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШДА МУҲИМ АҲАМИЯТГА ЭГА



Юртимиз замини қimmatбахо маъданларга бой. Унинг бағрида Менделеев даврий жадвалидаги деярли барча элементлар бор. Олтин, уран, мис, калий тузлари, фосфоритлар, каолин ресурслари бўйича дунёнинг етакчи мамлакатлари ўнталлигига киримиз.

Олтин ва уран ишлаб чиқариш ҳажми борасида ҳам жаҳонда пешқадамлар сафидамиз. Яна қанчадан-қанча очилмаган конларимиз, аниқланмаган хазиналаримиз истиқбол учун захирада. Буларнинг бари мамлакатимизда геология соҳасини жадал ривожлантириш учун мустаҳкам асос бўлмоқда.

Таҳлил

Маъдан захираларимиз қанчага кўпайди?

Эътибор, имконият ва рағбат. Булар — юқалишнинг уч муҳим омилли. Барчасини бирлаштирувчи асосий восита эса, албатта, сармоя! Шу сабабли, кейинги йилларда давлатимиз томонидан геология соҳасига ажратилаётган маблағлар ҳажми кескин оширилмоқда.

[3](#)

ВАТАНГА МУҲАББАТ, КЕЛАЖАККА ИШОНЧ БИЛАН ЯШАШ САОДАТИ

Қонунчиликни мустаҳкамлашда фаол ва ташаббускор

Моҳира ХЎЖАЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

— Дарҳақиқат, янги Ўзбекистон даврида хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, улар фаоллигини ошириш, соғлигини сақлаш, тadbиркорликка кенг жалб этиш, эҳтиёткорлик ҳолатини яқинлаштириш ҳақида қўвватлаш, гендер тенгликни таъминлаш борасида олиб борилаётган ислохотлар ўз натижасини бермоқда.



— Аёлнинг доимо эътибор ва эътирофдан ўтказилган, ҳаттоки ҳаётнинг барча жабҳасида фаоллигини ошириш бўйича Миллий дастурнинг изчил амалга оширилиши ижтимоий ҳолатидан қатиб назар, барча хотин-қизларимизни бугун ва келажакка ишончидан дололат беради.

— Олий Мажлис Сенатида алоҳида кўмига, Оила ва хотин-қизлар кўмитаси янгидан ташкил этилди ва фаолияти йўлга қўйилди. Таъкидлаш жоизки, бугун гендер тенглик масаласи давлат сиёсати даражасига олиб чиқилди, авваломбор, мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳар томонлама таъминлаш масалаларига оид 40 дан зиёд норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Ўзбекистон хотин-қизларни камситиш ва таъкиб қилишни барча шаклдан ҳуқуқий, ижтимоий ҳамда иқтисодий Ҳимоя этишни назарда tutувчи халқаро шартномаларга қўшилди.

— Рўстимизда бу бўйича олиб борилаётган ислохотлар халқаро ташкилотлар томонидан алоҳида эътироф этилмоқда. "Аёллар, бизнес ва қонун" индексига Ўзбекистон 2020 йилда хотин-қизлар ҳуқуқлари ва гендер тенглик бўйича аҳамиятга молик ислохотларни амалга оширган 27 та давлат қаторига киритилди.

— Олий Мажлис Сенатида алоҳида кўмига, Оила ва хотин-қизлар кўмитаси янгидан ташкил этилди ва фаолияти йўлга қўйилди. Таъкидлаш жоизки, бугун гендер тенглик масаласи давлат сиёсати даражасига олиб чиқилди, авваломбор, мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳар томонлама таъминлаш масалаларига оид 40 дан зиёд норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Ўзбекистон хотин-қизларни камситиш ва таъкиб қилишни барча шаклдан ҳуқуқий, ижтимоий ҳамда иқтисодий Ҳимоя этишни назарда tutувчи халқаро шартномаларга қўшилди.

Эзгулик — ширимиз, маърифат — қуролимиз

Райхон РАХИМОВА,
Сурхондарё вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳодимларининг малакасини ошириш ўқув курси директори, «Меҳнат шуҳрати» ордени соҳибаси:

— Ҳаётимда қувончли кунлар кўп бўлган. Аммо бу йил 8 март — Халқаро хотин-қизлар байрамидagi каби ҳеч қувонмаганман. Чунки ана шу санага бағишланган тантанали маросимда Президентимиз қўлидан «Меҳнат шуҳрати» орденини қабул қилиб олдим. Кўксимни безаб турган бу орден зуммамга қанчалик улкан масъулият юклаганини шу кунларда янада тегис қилмоқдаман. Сурхондарё бир қизи қўсига таялган нишон бу бутун Сурхондарё аёлларининг меҳнатига берилган юсак эътироф деб ҳисоблайман.



— Ҳаётимда қувончли кунлар кўп бўлган. Аммо бу йил 8 март — Халқаро хотин-қизлар байрамидagi каби ҳеч қувонмаганман. Чунки ана шу санага бағишланган тантанали маросимда Президентимиз қўлидан «Меҳнат шуҳрати» орденини қабул қилиб олдим. Кўксимни безаб турган бу орден зуммамга қанчалик улкан масъулият юклаганини шу кунларда янада тегис қилмоқдаман. Сурхондарё бир қизи қўсига таялган нишон бу бутун Сурхондарё аёлларининг меҳнатига берилган юсак эътироф деб ҳисоблайман.

Оилалар фаровонлигига эришиш — муҳим мақсад



Шахноза ХОЛМАХАМАТОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:


— Аёлнинг доимо эътибор ва эътирофдан ўтказилган, ҳаттоки ҳаётнинг барча жабҳасида фаоллигини ошириш бўйича Миллий дастурнинг изчил амалга оширилиши ижтимоий ҳолатидан қатиб назар, барча хотин-қизларимизни бугун ва келажакка ишончидан дололат беради.

— Аёлнинг доимо эътибор ва эътирофдан ўтказилган, ҳаттоки ҳаётнинг барча жабҳасида фаоллигини ошириш бўйича Миллий дастурнинг изчил амалга оширилиши ижтимоий ҳолатидан қатиб назар, барча хотин-қизларимизни бугун ва келажакка ишончидан дололат беради.

Болаликдан санъатга қизиқишим юқори

Гуллинора ХУДАЙБЕРГЕНОВА,
Қорақалпоғiston Республикаси Нукус шаҳридаги 1-болалар мусика ва санъат мактабининг бахшичилик синфи ўқитувчиси:

— Турли халқаро танловларда қатнашганимда бошқа миллат болаларининг бизга ҳавас билан боқишини ҳис қиламан. Ич-ичимиздан Ҳис туйғуси кечади. Чунки жонажон юртимизнинг ҳар бир фарзанди ҳаммиш мутлақо янгича ёндашув ва тизим асосида ташкил қилиши кўзда тутилди. Комиссиянинг бир йил давомида 9 442 та маҳалладаги 580 миң нафарга яқин ишсиз аёлларнинг бандлигини таъминлаш ва бу орқали 10 миңга яқин оилаларнинг фаровонлигига эришиш каби эзгу вазифалари ижросида биз, депутатлар ҳам бор имкониятларимиз билан ёрдамчи бўлишга тайёرمىз.



— Турли халқаро танловларда қатнашганимда бошқа миллат болаларининг бизга ҳавас билан боқишини ҳис қиламан. Ич-ичимиздан Ҳис туйғуси кечади. Чунки жонажон юртимизнинг ҳар бир фарзанди ҳаммиш мутлақо янгича ёндашув ва тизим асосида ташкил қилиши кўзда тутилди. Комиссиянинг бир йил давомида 9 442 та маҳалладаги 580 миң нафарга яқин ишсиз аёлларнинг бандлигини таъминлаш ва бу орқали 10 миңга яқин оилаларнинг фаровонлигига эришиш каби эзгу вазифалари ижросида биз, депутатлар ҳам бор имкониятларимиз билан ёрдамчи бўлишга тайёرمىз.

— Турли халқаро танловларда қатнашганимда бошқа миллат болаларининг бизга ҳавас билан боқишини ҳис қиламан. Ич-ичимиздан Ҳис туйғуси кечади. Чунки жонажон юртимизнинг ҳар бир фарзанди ҳаммиш мутлақо янгича ёндашув ва тизим асосида ташкил қилиши кўзда тутилди. Комиссиянинг бир йил давомида 9 442 та маҳалладаги 580 миң нафарга яқин ишсиз аёлларнинг бандлигини таъминлаш ва бу орқали 10 миңга яқин оилаларнинг фаровонлигига эришиш каби эзгу вазифалари ижросида биз, депутатлар ҳам бор имкониятларимиз билан ёрдамчи бўлишга тайёرمىз.

— Турли халқаро танловларда қатнашганимда бошқа миллат болаларининг бизга ҳавас билан боқишини ҳис қиламан. Ич-ичимиздан Ҳис туйғуси кечади. Чунки жонажон юртимизнинг ҳар бир фарзанди ҳаммиш мутлақо янгича ёндашув ва тизим асосида ташкил қилиши кўзда тутилди. Комиссиянинг бир йил давомида 9 442 та маҳалладаги 580 миң нафарга яқин ишсиз аёлларнинг бандлигини таъминлаш ва бу орқали 10 миңга яқин оилаларнинг фаровонлигига эришиш каби эзгу вазифалари ижросида биз, депутатлар ҳам бор имкониятларимиз билан ёрдамчи бўлишга тайёرمىз.

— Турли халқаро танловларда қатнашганимда бошқа миллат болаларининг бизга ҳавас билан боқишини ҳис қиламан. Ич-ичимиздан Ҳис туйғуси кечади. Чунки жонажон юртимизнинг ҳар бир фарзанди ҳаммиш мутлақо янгича ёндашув ва тизим асосида ташкил қилиши кўзда тутилди. Комиссиянинг бир йил давомида 9 442 та маҳалладаги 580 миң нафарга яқин ишсиз аёлларнинг бандлигини таъминлаш ва бу орқали 10 миңга яқин оилаларнинг фаровонлигига эришиш каби эзгу вазифалари ижросида биз, депутатлар ҳам бор имкониятларимиз билан ёрдамчи бўлишга тайёرمىз.

Фурур ва ифтхор туйғуси

Одинахон ОТАХОНОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

— Очигини айтиш керак, бирор давлатда юртимизда бўлгани каби хотин-қизларга юсак даражада эътибор кўрсатилмаган, шaroитлар яратилмаган. Мамлакатимизда эса оқила, гўзал аёлларимиз доим эъзозда, уларнинг ташаббуслари ҳар томонлама қўллаб-қувватланапти.



— Очигини айтиш керак, бирор давлатда юртимизда бўлгани каби хотин-қизларга юсак даражада эътибор кўрсатилмаган, шaroитлар яратилмаган. Мамлакатимизда эса оқила, гўзал аёлларимиз доим эъзозда, уларнинг ташаббуслари ҳар томонлама қўллаб-қувватланапти.

— Очигини айтиш керак, бирор давлатда юртимизда бўлгани каби хотин-қизларга юсак даражада эътибор кўрсатилмаган, шaroитлар яратилмаган. Мамлакатимизда эса оқила, гўзал аёлларимиз доим эъзозда, уларнинг ташаббуслари ҳар томонлама қўллаб-қувватланапти.

БИОТЕХНОЛОГИЯ — ЖАМИЯТ ВА ИНСОН МАНФААТИ — УЧУН УЛКАН ИМКОНИАТ

Бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ислохотлар моҳиятан барча соҳани қамраб олмақда, десак, муболага бўлмайди. Биргина биотехнология йўналишини оладиган бўлсак, бу инсон талаб ва эҳтиётларидан келиб чиқиб, тирик организмлардан олинadиган ҳар қандай маҳсулотни санoат даражасида, замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариш билан изоҳланади.

Нуктаи назар

Бинобарин, ҳозирги вақтда биотехнология кириб бормаган соҳани топиш жуда мушкул. Тиббиёт, санoат, қишлоқ ҳўжалиги, озиқ-овқат, экология ва бошқа ўнлаб соҳалар биотехнологиялар асосида ривожланиб бормoқда.

Тиббиёт биотехнологиясини оладиган бўлсак, у тиббий мақсадлар учун биологик объектлар ёки моддалар яратилadиган ишлаб чиқариш жараёнларини ўз ичига oлади. Булар ферментлар, витаминлар, антибиотиклар, индивидуал микробал полисахаридлар бўлиб, улар муқтаиб моддалар сифатида ёки турли дозалаш шакллари, аминокислоталарини яратишда ёрдамчи моддалар сифатида ишлатилиши мумкин.

Табиятда табиятда бундай ўзгаришлар содир бўлмайди. Қимматли хусусиятларга эга бўлган генларни тўғридан-тўғри бошқа бир организмга ўтказиш ва бу орқали фойдали янги ўсимлик нави ҳамда ҳайвон зотларини яратиш ва унинг имкониятларини кенгайтириш жараёнини бошқариш мумкин.

Қўпчилик ГМО, деганда фақатгина истеъмол қилинадиган маҳсулотларни кўз ўнгига келтиради, аслида ГМО фақат озиқ-овқат учун ишлатилмайди. Улар илмий тадқиқотларда, тиббиётда, фармацевтика санoатида, қишлоқ ҳўжалигида, атроф-муҳитни тозалашда ҳам кенг қўлланилади.

рoмда ушлаб туриш учун асос бўлмоқда. ГМО эчкилар суги таркибидаги оксил қоннинг ивиб қолиши натижасида юзага келадиган тромбоз касаллигини даволашда дори препаратлари сифатида қўлланилмоқда. Айни вақтда 33 турдаги трансген ўсимликлар (ГМО) одамлар томонидан озиқ-овқат сифатида кенг қўлланилмоқда: картошка, папайя, ошқоқ, баклажон, олма, мак-кажўхори, соя, лoвия, қовун, гурч, помидор, ширин қалампир, бугдой, қанд лавлага, рапс ва бошқалар.

Хорижий амалиёт ва миллий тажриба

Республикамизда ҳам бу борадаги ишлар анчагина салмоқли. Хусусан, Ўзбекистон Фанлар академиясини ҳузуридаги Геномика ва биоинформатика маркази томонидан замонавий ген ва ҳужайра муҳандислиги усулларидан фойдаланиб, атроф-муҳит ва одамлар учун хавфсиз бўлган, турли касалликларга, зарарқунандларга қидимли, ҳар қандай туپроқ-иқлим шарoитига мослашувчан янги ўсимлик навларини яратиш йўлга қўйилган.

рoтаба "ген-нокаут" технологияси ишлаб чиқилди. Унга АКШ, Хитой, Миср, Россия ва Ҳиндистонда патент олинган. Яратилган технология бир вақтинчи ўзида гўзанинг қатор фойдали хусусиятларини ижобий томонга ўзгартирди. Ушбу технология ёрдамида гўзанинг узун толали ва сифатли, эртапишар, серҳосил, кургоқчилик ва шўрга қидамли янги "Порлок" нави яратилди.

Юртимизнинг Сурхондарё, Қашқадарё, Бухоро, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё ва Тошкент вилоятлари "Порлок" гўза навлари етиштириш учун энг мақбул худудлар саналади. Ушбу гўза нави кескин ўзгарувчан, турли ноқулай иқлим шарoитларига қидамлиги билан бошқа навлардан ажралиб туради. Шунингдек, бошқа гўза навларига нисбатан 18 — 20 фoиз кўп ҳосил беради. Тола сифати дунё бўйича ўрта толали гўза навлари орасида энг юқори ўринда туради.

да нoбуд бўлишига олиб келади. Янги яратилган технология касаллик замбуруғи гўзанинг ичига киришига йўл қўймайди ва бунинг натижасида ўсимлик ҳимояланади.

Иссиқхонада синoвдан ўтказилиб, экологик хавфсизлиги ўрганилган, генетик жиҳатдан турғунлаштирилган янги, яъни гени ўзгартирилган навлар халқ саломатлиги ва иқтисодий барқарорлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

риятлар фаолиятини ўрганиш ҳам аҳамиятlidir. Бундан ташқари, экологик биотехнология зарарқунандларга қарши биотехнология кураш ва азотни биологик ҳисoбга олишни амалга оширади.

Экологик биотехнология нуктаи назаридан, азоб жараёнлар мумкин ҳисoбланади. Бу жараёнларда суveni тозалаш ва уни турғунлаш ишлари олиб бoрилади. Бунинг учун турли реакторлар конструкциялари мавжуд. Экологик технологиянинг мумкин тармоқларидан бири бу озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг қолдиқ маҳсулотларини утилизация қилиш ва иккиламча маҳсулотлар олишидир. Ушбу муаммони ечиш учун ачткил замбуруғлари фаолиятдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Генетик модификацияланган организм (ГМО) — ген тузилмасига генетик муҳандислик усуллари ёрдамида сунбий равишда ўзгартириш киритилган организм. Бундай организмлар ўсимликлар, ҳайвонлар ва микроорганизмлар бўлиши мумкин. Доимгидек кўпайиш ёки табиий рекомбинация на-

Биотехнология бўлиши мумкин. Доимгидек кўпайиш ёки табиий рекомбинация на-

Биотехнология бўлиши мумкин. Доимгидек кўпайиш ёки табиий рекомбинация на-

Илгор технологиялар — ривожланиш асоси

"Ген-нокаут" технологияси ёрдамида яратилган бугдойнинг "Баркамол" нави эътиборга молик изланишлардан. Синов жараёнида бўлган ушбу навдан ҳосилдорлики 30 фoизгача кўтарилди.

Бинобарин, илмий-тадқиқотлар, илм фаннинг жadal ривожланиши янгича ва инновацион ёндашувлари юзага келтирди. Бу эса ҳар қандай биотехнология шаклининг умумий биологиясини тушуниш, унинг фойдали ва зарарли томонларини баҳолашда муҳим аҳамият касб этади. Шундай экан, биотехнологияларни ҳаётга кенг жалб қилишда унинг инсон ҳамда жамият манфаати учун фойдали жиҳатларига эътибор қаратиш бугунги олим ва мутахассислар зиммасида энг мумкин вазифадир.

Биотехнология бўлиши мумкин. Доимгидек кўпайиш ёки табиий рекомбинация на-

Биотехнология бўлиши мумкин. Доимгидек кўпайиш ёки табиий рекомбинация на-

АНИҚ МАҚСАД, ПУХТА РЕЖАЛАР ВА ФАОЛ ИНВЕСТИЦИЯ СИЁСАТИ

Тоғ-кон саноати ва геология соҳасини ривожлантириш, натижадорликка эришиш, салоҳиятли кадрларни тайёрлаш ва инвестицияларни жалб қилишда муҳим аҳамиятга эга



Бунинг натижасида минг-лаб квадрат километр майдонларда янги ҳудудлар ўрганилиб, фойдаланилмаган имкониятлар ишга солинмоқда, янги конлар ўзлаштирилиб, ишлаб чиқариш кўлами кенгайтирилмоқда. Узоқни кўзлаб ва замонавий илгари юриш муҳимлигини инобатга олган ҳолда соҳада яқин ва узоқ истиқболда амалга оширилиши лозим бўлган вазибалар белгилаб олинган.

Жумладан, бугунги кунда минерал хомашё базасини барқарор ривожлантириш, ер қазини геологик жihatдан ўрганиш, фойдали қазилмалар истиқболли майдонларини аниқлаш ҳамда уларнинг захираларини кўпайтириш мақсадида амалга оширилган геология-қидирув ишлари доирасида республикамиз ҳудуди 1:500 000 ва 1:200 000 масштабдаги регионал геологик тадқиқотлар билан 100 фоиз ўрганилган, шундан тоғли ва тоғодли ҳудудларга кирувчи 84,5 минг кв. километр майдонларда 1:100 000 масштабдаги регионал геологик излаш ишлари олиб борилган.

Сўнги етти йилда амалга оширилган геология-қидирув ишлари натижасида республика ҳудудининг геологик жihatдан ўрганилганлик даражаси 128 минг кв. километрдан 170 минг кв. километрга етказилди, янги истиқболли майдонларни қидириш усти 20 фоиздан 40 фоизга оширилиб, модернизация ҳисобига унумдорлик 30 фоизга кўпайди.

Утган йили республика ҳудудини 1:200 000 масштабдаги рақамли геологик хариталарини тузиш ишлари 133,3 фоизга бажарилди, 240 фоиз космогеологик ва геоимёвий тадқиқотлар ўтказилди, 128,6 фоиз бурғилаш, 100 фоиз ер ости тоғ-кон ишлари, 103,1 фоиз ер усти тоғ-кон ишлари ҳамда 100 фоиз 2D ва 102,4 фоиз 3D сейсморазведка ишлари амалга оширилди.

Бундан ташқари, Овминзатог, Егер-белитог, Хонбанди, Балиқитог ва Қулжуктоғ тоғларининг асосий майдонидида 1:50 000 масштабдаги ҳамда Султонувайс тоғларини 1:25 000 масштабдаги мукамал геологик қайта ўрганиш ишлари якунланди ва натижада 2 минг кв. километр майдон истиқболли ҳудудлар сифатида ажратилди.

Норуда хомашёни йўналишида, жумладан, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида юқори калорияли кўмир конлари тайёрланди.

Бу йил республика ҳудудини 1:200 000 масштабдаги тўлиқ рақамли геологик хариталар тўплами яратилди, 6 минг кв. километр ҳудудларда мукамал космогеологик ва геоимёвий тадқиқотлар ҳамда 3 500 кв. километр майдонда 1:50 000 масштабдаги геологик қайта ўрганиш ишлари олиб борилди, ҳудудларнинг замонавий рақамли геологик хариталар тўплами яратилди ва янги истиқболли майдонлар аниқланди.

Геология-қидирув ишлари учун ахборот таъминоти тизимини сифатини тубдан янгилаш учун "Ягона рақамлаштирилган интерфаол картография маълумотлар банки" яратилди.

Жорий йилги давлат дастури доирасида 2,11 минг метр бурғиланш, 9,2 минг метр ер ости, 262 минг куб метр ер ости тоғ-кон ишлари ҳамда 7 000 километр 2D ва 3 100 кв. километр 3D сейсморазведка ишлари бажарилди.

2023 йилда тоғ-кон саноати корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 115,9 трлн. сўмини ташкил этиб, шундан қимматбаҳо ва рангли металллар соҳасида 99,2 трлн. сўм, қора металлургия бўйича 9,2 трлн. сўм, уран йўналишида 6,5 трлн. сўм, кўмир саноатида 1,6 трлн. сўм маҳсулот чиқарилди.

Жумладан, утган йилда "Навоий КМК" АЖ томонидан маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми — 67,5, "Олмалик КМК" АЖ — 31,7, "Навоийуран" ДК — 6,5, "Ўзбеккўмир" АЖ — 1,6, "Ўзметкомбинат" АЖ томонидан 9,2 трлн. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди.

Маҳсулот ва хизматлар экспорти ҳамми 1,2 млрд. долларга етиб, 2022 йилдагига нисбатан ўсиш кўрсаткичи 111 фоизни ташкил этди.

Ер ости сувларини муҳофаза қилиш — устувор вазифа

Ер ости сувларидан самарали фойдаланиш ва кўдқ бурғилаш тизимини янада такомиллаштириш, улар захиралари камайиб кетишининг олдини олиш юзасидан ҳам бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Хозирда республикада 97 та ер ости сув кони мавжуд бўлиб, уларнинг ресурслари умумий сув ресурсларининг 25 фоизини ташкил қилади. Ер ости чўчқ сувлари республикада бир хил тарқалмаган бўлиб, асосан, Тошкент, Самарқанд, Сурхондарё, Наманган, Андижон ва Фарғона вилоятларида мавжуд. Сўнги йилларда халқ ҳўжалигининг барча тармоғида ер ости сувларига бўлган эҳтиж кескин ошиб бораётганига сабабли Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги томонидан қўшимча ер ости сув ресурсларини аниқлаш чоралари кўрилмоқда.

Жумладан, 2017 — 2023 йилларда 878 минг куб м/сутка микдорда ер ости сув захиралари тасдиқланиб, натижада 1 млн. аҳолининг ичимлик суви таъминоти ҳамда 155 минг гектар қишлоқ ҳўжалиги ерларини оборотга киритиш ва янги ерларни ўзлаштириш асосланиди. Бундан ташқари, даволаш-бальнеология бўйича 2 минг куб м/сутка ер ости минерал сув захира-лари баҳоланиди ҳамда 400 та кўдқ бурғиланиб, "Ўзсувтаъминот" АЖга ичим-лик сувини етказиб бериш ва ҳоким-ликларга ерларни сугориш мақсадида-ри учун фойдаланишга топширилди.

Шу билан бирга, вазирлик томонидан 2024 — 2030 йилларда геология-қидирув ишлари доирасида 1,8 млн. куб м/сутка сув ресурсларининг кўпайтирилиши белгиланди. Бунинг натижасида ер ости сувлари ҳисоби-га 4 млн. аҳолининг ичимлик суви таъ-миноти ва 250 минг гектар майдон-нинг сугорилиши таъминланади ҳамда 300 минг аҳоли даволашни учун бальнеология минерал сувларга бўлган эҳтиж қондирилади.

Инвестиция — тараққиёт драйвери

Инвестиция дастури доирасида умумий қиймати 11 млрд. долларлик



39 та лойиҳа доирасида 2023 йилда қарийб 2,1 млрд. доллар инвестиция ўзлаштирилди.

Хусусан, Франциянинг "Orano Mining" компанияси томонидан амалга оширилаётган умумий қиймати 400 млн. доллар бўлган "Уранга истиқболли шимоллий ва жанубий Жонгелди майдонларида геология-қидирув ишларини олиб бориш ва аниқланган конларни ўзлаштириш таъминоти шимоллий" доирасида 21 млн. доллар ҳамда Россиянинг "УГМК" компанияси томонидан амалга оширилаётган умумий қиймати 560 млн. доллар бўлган "Кулжуктоғ тоғ массивини геологик ўрганиш ва аниқланган конларни ўзлаштириш таъминоти шимоллий" доирасида 28 млн. доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ўзлаштирилган.

Шу билан биргаликда, "Олмалик КМК" АЖ томонидан "Ёшлик-1" лойи-ни ўзлаштиришнинг 1-босқич лойи-ҳаси доирасида 1,1 млрд. доллар маблаг ўзлаштирилди. Лойиҳани ишга тушириш орқали йилига қўшимча 60 млн. тонна маъдан қазиб олиш ҳамда комбинатнинг қайта ишлаш қувватларини оширишга эришилади.

Шунингдек, "Ўзметкомбинат" АЖ томонидан "Қуов прокатлаш маж-муасини қуриш лойиҳаси" доирасида 260,9 млн. доллар маблаглар ўзлаштирилган бўлиб, лойиҳани ишга тушириш натижасида комбинатнинг пўлат қуйиш қуввати йилига 1 млн. тоннадан 2,1 млн. тоннага ва тайёр маҳсулотнинг умумий қуввати икки баробарга, яъни йилига 2,2 млн. тон-нага ошади.

2024 йилда умумий қиймати 22,6 млрд. долларлик 63 та лойиҳа доирасида 4,1 млрд. доллар инвестицияларни ўзлаштириш режалашти-рилган. Бунинг 3,8 млрд. долларли тўғридан-тўғри хорижий инвестиция-лар ва кредитлардир.

Тадбиркорларга қулайлик яратилмоқда

Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувват-лаш йилида тадбиркорлик субъект-



ларига яратилган шарт-шароитлар, шу жумладан, руҳсатномаларни бериш тартиби ҳамда ер қазирдан фой-даланиш ва муҳофаза қилиш йўнали-шида тоғ-кон саноати ва геология со-ҳаси олдидида турган бир қатор вази-фалар мавжуд.

Ер қазирдан фойдаланиш ҳуқуқи-га руҳсатномаларни бериш тўлиқ электронлаштирилиб, утган давр м-байнида стратегия турдаги қазилма-ларга жами 86 та объект аукционга қўйилган бўлиб, шундан 71 тасига руҳсатномалар берилди.

Жумладан, 2023 йилда жами 10 та геологик объект аукционга қўйилган, бугунги кунда 8 та руҳсатнома бери-либ, жами 8,4 млрд. сўм маблаг бюд-жетта туширилди. Норуда хомашёси-дан фойдаланишга жами 1 541 та объект аукционга қўйилган бўлиб, шундан 967 та руҳсатнома берилди.

Шу билан бирга, утган йили жами 302 та объект аукционга қўйилган, шундан 117 та руҳсатнома берилиб, (геология-қидирув ишларига 101 та, қазиб олишга 16 та) жами 9,9 млрд. сўмга реализация қилинди. Олтин из-ловчилик усулида фаолиятни амалга оширишга жами 305 та объект аукционга қўйилган бўлиб, шундан 302 та руҳсатнома берилди.

Тадбиркорлик субъектларининг ер қазирдан фойдаланиш соҳасида юза-га келган саволларига тезкорлик билан жавоб бериш мақсадида мулоқот майдони "Call center" (1356 қисқа ра-қам) ишга туширилди.

Тадбиркорларга ер қазирдан фой-даланиш соҳасида кўмак ва масла-

хатларни бериш учун "Front office" ҳамда "Back office" тизими йўлга қўйилди.

2024 йилда ер қазир участкалари-дан фойдаланиш учун тадбиркорлик субъектларига электрон аукцион ор-қали 350 та участка тақдир этилади, шундан 30 таси стратегия, 20 таси ол-тин изловчи ва 300 таси норуда хом-ашёси объектларидир. Аукцион нати-жалари бўйича тадбиркорларга руҳ-сатномалар бериш ҳисобида 5 минг-га яқин янги иш ўринлари яратилди.

Шу билан бир қаторда, Тоғ-кон, геология ва саноат хавфсизлигини назорат қилиш инспекцияси томони-дан ер қазирдан фойдаланиш ва му-ҳофаза қилиш соҳасида 2021 — 2023 йилдаги давомидида жами 3 581 та давлат назорати ва текшируви амал-га оширилди. Натижада инспекция то-монидан 589 та ноқонуний қазил-ма аниқланди ва 280 млрд. сўм жарима ҳамда солиқлар ундирилди. 368 та самарасиз фойдаланиш ҳолатлари учун 181 та лицензия бекор қилинди. 222 та ер ости сувига ноқонуний кўдқ бурғилаш ҳамда 1 218 та тадбир-кор фаолиятини ўрганиш давомида 36,8 млрд. сўм солиқ тушумлари ун-дирилди чоралари қўрилди.

Самарқанд, Навоий, Тошкент, Жиззах ва Наманган вилоятларида қимматбаҳо металлларни ноқонуний қазиб олиш билан шугулланган жами 1 842 нафар жисмоний шахсга нис-батан 11,8 млрд. сўм маъмурий жа-вобгарлик чоралари қўрилган.

2024 йилда Рақамли технология-лар вазирлиги билан биргаликда ер қазирдан фойдаланиш борасида ма-софавий мониторинг ва риск-тахлил бўйича ягона маълумотлар базасини шакллантиришга мўлжалланган "Гео-мониторинг" ахборот тизими фаоли-яти йўлга қўйилади. Бунда 1 960 та ер қазирдан фойдаланувчининг ин-вестиция мажбуриятлари Тоғ-кон, геология ва саноат хавфсизлигини назорат қилиш инспекцияси томони-дан алоҳида назоратга олиниб, "Ўзбеккосмос", Солиқ қўмитаси, Эко-логия, атроф-муҳитни муҳофаза

Соҳанинг коррупциядан холи бўлишини таъминлаш масаласи

Янги вазибаларни амалга ошириш, соҳани ҳар томонлама ривожланти-ришда Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги ҳамда тизим корхоналари-да коррупциянинг олдини олиш ва унга чек қўйишга қаратилган кенг қўламли ислохотлар амалга ошири-лиши долзарб аҳамиятга эга жиҳат-лардан бири ҳисобланади.

Жумладан, Ўзбекистон Республи-каси Президентининг 2021 йил 6 ию-лдаги "Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этиш-га доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижроси юзаси-дан вазирлик ва 15 та тизим корхо-наларида коррупцияга қарши ички на-зорат (Комплаенс хизмати) тузилма-лари фаолияти йўлга қўйилди.

Шу билан бирга, коррупцияга қар-ши курашиш бўйича ички меъёрий ҳужжатлар ва тартиб-қоидалар, яъни "Коррупцияга қарши сиёсат", "Одоб-ахлоқ кодекси", "Манфаатлар тўқнашувини бошқариш сиёсати" каби соҳага оид 20 га яқин ички меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Айни чо-да вазирлик ва тизим ташкилотлари-да манфаатлар тўқнашуви билан бо-ғлиқ ҳолатларнинг олдини олиш дои-рий эътиборда.

Эътиборлиси, 2023 йилда Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги ҳамда мазкур тизим корхоналари — "Ўзбек-геофизика" ва "Ўзбек геология қиди-рув" АЖ коррупцияга қарши курашиш менежмент тизими халқаро ISO 37001:2016 ва O'z DST ISO 37001:2019 мувофиқлик сертификат-ларини қўлга киритди.

Замонавий кадрлар — ҳар қачонгидан муҳим

Ҳар бир соҳа ривожиди малакали ва замонавий кадрлар муҳим аҳами-ят касб этади. Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги ҳам бунга ало-ҳида эътибор қаратмоқда. Хусусан, бугунги кунда вазирлик тарихида фаолият кўрсатаётган Геология фан-лари университети, Навоий давлат кончилиги ва технологиялар универ-ситети, Тошкент шаҳридаги Пиза университети филиали, Федерал давлат автоном олий таълим муас-сасаси "Миллий технология тадқиқот-лар университети "МИСиС"нинг Ол-малик шаҳридаги филиалида таълим, илм-фан ютуқларидан самарали фой-даланишга устувор аҳамият берил-моқда. Бу борада етакчи хорижий мамлакатлар билан фаол ҳамкорлик олиб борилмоқда.

Масалан, Геология фанлари уни-верситети Италия, Германия, Жанубий Корея, Япония, Туркия, Хитой, Россия, Беларусь, Қозоғистон, Қирғизистон мамлакатларидаги 25 та ОТМ билан ҳамкорликни йўлга қўйган. Истанбул техника университети, Кюнгон уни-верситети, Қозон федерал университети шулар сирасига қиради.

Шу билан бирга, университет таъ-лим жараёнига "ТОП — 100" таликка кирадиган М. В. Ломоносов номида-ги Москва давлат университети бил-лан 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб Геофизика бакалаврият таълим йўналиши бўйича икки дипломли "2+2" қўшма таълим дастури жорий этилди. Ушбу дастурда бугунги кунда 22 нафар талаба ўқиётди. Томск давлат университетига Фойдали қазилмалар геологияси маэстратура мутахассислиги бўйича "1+1" қўшма таълим дастурида жами 25 нафар талаба таҳсил олмақда.

Геология фанлари университети тарихида 4 та илмий-тадқиқот институти — Х. М. Абдуллаев номи-даги Геология ва геофизика институти, Гидрогеология ва муҳандислик геологияси институти, Минерал ресурслар институти, Нефть ва газ

Хулоса ўрнида айтганда, маррани баланд олиб, мақсадлар сари дадил одимлаш — геология ишлари, инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, тадбиркорларга қулай шароитлар яратиш, тоғ-кон саноатини ривожланти-риш, таълим ва ишлаб чиқариш узвийлигини таъминлаш, коррупцияга қарши курашиш, рақамли технологияларни соҳага кенг жорий этиш мамлакат иқти-содийтининг ресурслар билан таъминланишига хизмат қилади.

Бобур ИСЛОМОВ,
Ўзбекистон Республикаси тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги.

ЯНГИЛИКЛАР хабарлар ТАҒСИЛОТЛАР

«ЎЗБЕКИСТОН АЁЛ СУДЬЯЛАРИ — АДОЛАТ ВА МАТОНАТ ТИМСОЛИ»

Хабарингиз бор, бир неча йилдан буён мамлакатимизда 10 март — Халқаро аёл судьялар кунни сифатида кенг нишонлаб келинмоқда.

Бу йил ҳам мазкур аъна давом эттирилиб, "Ўзбекистон аёл судьялари — адолат ва матонат тимсоли" мавзусида халқаро конференция ўтказилди.

Тадбир доирасида Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси аъза-лари ва аёл судьялар учрашуви ҳам таш-кил этилди.

Шунингдек, тадбирда сиёсий партия вакиллари, депутатлар, вазирлик ва идора-лар ҳамда ОАВ вакиллари қатнашди.

Таъкидланганидек, бугунги кунда суд тизимида фаолият юритаётган аёл судья-лар ўзларининг юксак билими, ақл-зако-вати билан жамиятда қонун устуворлиги ва адолат барқарорлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг янги босқичи айнан суд-ҳуқуқ соҳасини ривожлантиришга қарат-илган бўлиб, мазкур жараёнда хотин-қизларнинг ўрни алоҳида аҳамиятга эга.

Тадбир давомида аёл судьяларни суд-ҳуқуқ ислохотлари жараёнарига кенг жалб қилиш, хусусан, уларнинг фаолли-гини ошириш, аҳоли ва жамоат бирлаш-малари ҳамда оммавий ахборот восита-лари билан мулоқот қилиш масалалари-га алоҳида эътибор қаратилди.

Учрашув якунида муҳокама этилган масалалар юзасидан мулоҳазалар билдирилди.

ЙИГИТЛАР ҲАРБИЙ ХИЗМАТГА ЙЎЛ ОЛДИ

Қашқадарё вилояти мудофаа ишлари бошқармаси йиғин пунктида мuddатли ҳарбий хизматга қабул қилинган ёшлари Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари сағифа танталари равишида кузатиш маросими бўлиб ўтди.

Президентимизнинг 2024 йил 12 фев-ралдаги "Ўзбекистон Республикаси фуқаро-ларининг мuddатли ҳарбий хизматга навбатдаги қақуруви ҳамда белгиланган хизмат мuddатини ўтаб бўлган мuddатли ҳарбий хизматчиларни Қуроли Кучлар резерви-га бұшатиш тўғрисида"ги қарори иж-роси доирасида ушбу йилда тадбирда йигитлик бурчини адо қилишга чоғланган ўғлонларнинг ота-оналари, шунингдек, соҳа фахрийлари, кенг жамоатчилик ва-киллари иштирок этди.

Тадбирда таъкидланганидек, юрт сар-ҳадларини ҳимоя қилиш, Ватан посбони бўлиш ҳамма замоналарда ҳам йиғит ки-шининг энг муқаддас вазифаси, бугунчи ҳисобланган. Мустақиллик йилларида эса мамлакатимизда ҳарбий хизматнинг ну-фузи, обрў-эътибори янада кўтарилдики, эндиликда армияга бориш, Қуроли Куч-ларимиз сафарида хизмат қилиш нафа-қат конституциявий бурч, балки қатъий мақсад, юксак маънодаги шон-шараф ишига айланди.

— Ўғлим Алишержон ёшлигини армия-га боришга қизиқиб, шунга тайёрланиб юр-ади, — дейди Қарши шаҳрилик Муяссар Назарова. — Мана, бугун синовлардан му-ваффақиятли ўтиб, ўзи орзу қилганидек ҳарбий хизматга йўл олмақда. Албатта, ўғлимнинг Ватан ҳимоясига отланиши она сифатида менга жуда катта гурур, фахр бағишлайди. Ва ишонманки, ҳар бир она-нинг орзуси шундай.

Тадбирда мuddатли ҳарбий хизматга йўл олаётган ўғлонларга эсдални совга-ларни топширилди. Ҳарбий оркестр ва санъаткорлар ижросидаги куй-қўшиқлар йиғилганларга хушқайфият бағишлади.

ЕНГИЛ АТЛЕТИКАЧИЛАР БЕЛЛАШУВИ

Жиззах олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказида 16 ёшли енгил атлетикачилар ўртасида навбатдаги Ўзбекистон чемпионати ўтказилди.

Унда юртимизнинг барча ҳудудидан терма жамоалар иштирок этиб, 60, 200, 400, 800, 1500, 3000 метрга югуриш, узунликка, баландликка, уч ҳатлаб сакраш, ядро улоқтириш, бешқураш, тўсиқ-лар оша ва эстафетали югуриш бўйича ўз маҳоратларини намойиш этишди.

Ўқунинг натижасида кўра, самарқанд-лик спортчилар энг кўп медалларга эга чиқиб, шоҳсупанинг юқори поғонасини банд этишган бўлса, Тошкент шаҳри ҳамда Қашқадарё вилояти вакиллари мос равишда иккинчи ва учинчи ўринларга лойик кўрилди.

«Халқ сўзи».

